2012 йил 6 июнь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (12.172)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

## ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида мамлакатимизда қулай бизнес муҳити, тадбиркорлар учун янада кенг шарт-шароит яратиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур йўналишда кўрилаётган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишга туширилаётган корхоналар сони ва уларнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора кўпаймоқда.***

Айни пайтда саноат тармоқларида юқори технологияга асосланган замонавий корхоналар ташкил этилаётгани тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Буни «Оққуш» бренди туширилган сифатли ва рақобатбардош минитехнологиялар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори юртимизда илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Илм-фан ютуқларининг амалиётга кенг жорий этилиши бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигини, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилаётир. Юртимизда гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора ошмоқда. Уларни қайта ишлаш эса кўп жиҳатдан замонавий технологияларга боғлиқ. Мисол учун, гўштни қайта ишлаб, колбаса маҳсулотлари тайёрлаш учун бир-бирига ўзаро боғлиқ саккиз турдаги ускуна керак бўлади.

Юртимизда юз берган янгиланиш ва хусусий мулкчиликнинг кенг қарор топтириш борасидаги ислоҳотлар самарасида 1997 йили Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Оққуш» машинасозлик хусусий корхонасида ҳозир қарийб 20 турдаги ускуна ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий қайта ишлаш жиҳозларини яратиш, уларни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш мақсадида ташкил этилган корхонада конструкторлик бюроси фаолияти кенг йўлга қўйилган.

– Сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари мамлакатимизга илгари, асосан, хориждан олиб келинар эди, – дейди «Оққуш» машинасозлик хусусий корхонаси раҳбари, техника фанлари доктори Равшан Қодиров. – Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини арзон ва сифатли технология билан таъминлаш мақсадида, аввало, гўштни қайта ишлаш бўйича ускуналар яратишга эътибор қаратдик. 1999 йилда колбаса ва сосиска тайёрлашда ишлатиладиган ускуналар яратишга муваффақ бўлдик. Арзон ва кам энергия сарфланадиган мазкур жиҳозлар кичик бизнес субъектлари учун жуда қулай.

(Давоми 3-бетда)

***Яқинда Японияда Ўзбекистонда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ибараки префектураси ҳукумати ва Цукуба шаҳри мерияси, шунингдек, Япония эксперт-таҳлил ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари ҳозир бўлдилар.***

## ЯПОНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимизда жамиятни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, оила институтини ривожлантириш ва уни мустаҳкамлаш, оила фаровонлигини юксалтириш ҳамда саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди. Фуқароларга уларнинг оилавий фаровонлигини юксалтириш ва оилавий бизнесни ривожлантиришда ҳар томонлама кўмаклашишни назарда тутадиган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмуни ва моҳияти атрофлича ёритилишига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, тадбир чоғида Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида қўлга киритилаётган кенг кўламли муваффақиятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Брифинг интиҳосида унинг айрим иштирокчилари бўлиб ўтган мулоқотлар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

**Цукуба шаҳар мериясининг халқаро маданий алмашинув департаменти бошлиғи Казуо Сузуки** мазкур тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда мамлакат президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида атрофлича тасаввурга эга бўлишганини қайд этди.

К.Сузукининг фикрича, Ўзбекистонда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг кенг миқёсда ҳаётга татбиқ этилиши ҳар бир оила фаровонлигини ва жамият ижтимоий тараққиётини таъминлаш масалаларига давлат томонидан қаратилаётган улкан эътибордан шоҳидлик беради. У ўзбек ва япон халқлари жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш жараёнининг муҳим шарти бўлган оилавий ришталарни асраш ҳамда мустаҳкамлаш масалаларига доимо катта эътибор қаратишини таъкидлади.

**Ибараки префектураси ҳукуматининг аёллар ва ёшлар масалалари бўйича департаменти директори Кёко Хасэгава** мазкур брифингда Ўзбекистонда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида тақдим этилган маълумотлар оила, аёллар ва ёшлар масалалари билан шуғулланувчи мутахассис сифатида ўзини қойил қолдирганини айтди. «Оила жамият ўчоғи ҳисобланади, унинг фаровонлигини таъминлаш эса мамлакат тараққиёти ва давлатнинг гуллаб-яшнаши даражасидан далолат беради», деди К.Хасэгава.

Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш Японияда оила фаровонлиги ва жамият ижтимоий тараққиётининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини қайд этар экан, К.Хасэгава Ибараки префектураси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланажагига умид изҳор этди.

**Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети профессори Тору Тераока** «ҳар бир оилага ҳар томонлама – моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши давлатнинг маънавий жиҳатдан мустаҳкамланишида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади ва унинг келгуси тараққиётини белгилаб беради», деди. Шу маънода Т.Тераока Ўзбекистон раҳбарияти томонидан оилани, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар яқин келажакда жамият тараққиёти, мамлакат маънавий ва моддий фаровонлигининг юксалишида ижобий натижаларга олиб келишига комил ишонч билдирди.

**«Жаҳон» АА**

***Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дониёр Қурбонов ХХР раиси Ху Цзиньтаога ишонч ёрлиқларини топширди.***

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Маросим доирасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

ХХР раиси икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил мобайнида ўзаро ҳамкорликнинг барқарор ва изчил равишда ривожланиб бораётгани ҳамда эришилган муваффақиятларни Хитой томони юқори баҳолашини таъкидлади.

Икки мамлакатнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигининг ижобий натижалари, икки томонлама савдо-сотиқ алоқаларининг жадал ўсиб бораётгани, энергетика соҳасидаги алоқаларнинг муваффақиятли ривожланаётгани қайд этилди. Хитой етакчисининг сўзларига қараганда, Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тараққиёти ҳар икки мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўсиш масалаларининг ҳал этилишига кўмаклашади.

Ху Цзиньтаонинг баён этишича, томонлар ўртасида эришилган ўзаро англашув ва ишончнинг юқори даражаси, ҳар икки томонни қизиқтирадиган масалалар юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги шериклик муносабатлари ҳамда ҳамкорликнинг янада самарали ривожланиши гаровидир.

ХХР раиси икки мамлакатларимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа кўп томонлама тузилмалардаги яқин ҳамкорлиги нафақат икки давлат, балки бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишини қайд этди.

**«Жаҳон» АА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида болажонлар учун тадбир ўтказилди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида Тошкент метрополитенининг истиқболлари, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган анжуман уюштирилди.

✓ **ДАВЛАТ** божхона қўмитасида «Божхона органлари ходимлари хизмат фаолиятида психологик билимларнинг аҳамияти» мавзусида бўлиб ўтган учрашувда божхона қўмитаси мутасаддилари ҳамда психолог-олимлар иштирок этди.

✓ **ЁШЛАР** ижод саройида ёш рассомларнинг рассомлик, графика, ойнага нақш тушириш, фотографияга оид ҳамда заргарлик буюмлари эскизларидан иборат 100 га яқин асарлари намойиши бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 5 июнь куни расмий ташриф билан Хитойга келди.**

**● Жиззах вилоятида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

**● Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳаваскор санъат ва фольклор дасталари ўртасида «Барҳаёт анъаналар» фольклор фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган олти жамоа иштирок этди.**

**● Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.**

**● Бухоро вилояти қўғирчоқ театри жамоаси вилоят марказидаги 27-махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига «Учта чақноқ кўзим бор» эртак-спектаклини туҳфа этди. Ёшларни жамоат жойларида ўзини тўғри тутишга, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишга ундайдиган ушбу саҳна асари ва шоу-концерт ўқувчиларга ғоят манзур бўлди.**

**● Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун ўтказилаётган «Олимпиада умидлари» спорт фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Страсбургдаги Европа парламенти йиғилишида минтақада иқтисодий ўсишни таъминлаш ва Греция иқтисодиётини инқироздан олиб чиқиш йўллари бўйича музокаралар бўлиб ўтди.**

**● Франциянинг янги молия вазири Пьер Московиси Брюсселда мамлакатнинг янги инқирозга қарши стратегиясини маълум қилди.**

**● Кеча кечқурун Покистонда кучли қумли бўрон ҳуружи натижасида камида 15 киши ҳаётдан кўз юмди. Бўрон Хайберг-Пахтунхва ва Беллужистон музофотларига энг кўп зарар келтирди.**

**● Лагосда нигериялик қутқарувчилар Dana Air компаниясининг йўловчи самолёти қулаб тушган бино вайроналари орасидан беш нафар яраланган кишиларни қутқариб олдилар. Уларнинг тўрт нафарига шу жойнинг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилди, биттаси касалхонага ётқизилди. Қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, ушбу беш кишининг барчаси самолётнинг йўловчилари эмас, балки ҳалокат пайтида улар бино вайроналари остида қолиб кетганлар.**

**● РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, «Sony» компанияси сувга чидамли мобиль телефонларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Компаниянинг «Xperia go» ва «Xperia acro S» смартфонларини сувда бир метр чуқурликда ярим соат мобайнида ишлатиш мумкин. Ушбу телефонларнинг сенсор экрани бармоқларингиз нам бўлганда ҳам бемалол сеза олади. Мазкур маҳсулотлар жорий йилнинг июль ойида сотувга чиқарилади.**

***Ҳаммамизнинг мақсадимиз шу муқаддас она юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш экан, баҳамжиҳат бўлиб, ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз керак.***

***Ислом КАРИМОВ***

## ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

# ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

***Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишини Тошкент шаҳрида ўрганиш натижаларини муҳокама қилишга бағишланган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***



Қўшма мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари, туман ҳокимлари, бош бошқарма, бошқарма, давлат ва жамоат корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор, ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари Э.Рўзметовнинг маърузаси тингланиб, муҳокама этилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг шаҳар ва туман ҳокимликларида ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилди.

Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасининг асосий қоида ва тавсияларини амалга ошириш юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тасдиқланган.

Айтиш керакки, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг ғурур-ифтихори ва севгисини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётгани, дунёдаги пойтахт шаҳарлар ўртасида экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфа касб этиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Қўмита томонидан амалий ёрдам бериш мақсадида ўтказилган ушбу ўрганиш натижалари Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда, қонунларни, давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда, фуқароларни шаҳарни бошқаришга жалб этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли ошиб бораётганлигини кўрсатди.

Жумладан, 2010 йилдан буён ушбу масалани ўрганиш давригача ўтказилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 18 та сессиясида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижроси, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги долзарб бўлган масалалар билан боғлиқ 160 та масала муҳокама қилинган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларига доир масалалар тизимли ҳал қилиниб келинмоқда.

Шу йиллар давомида депутатлар томонидан 2800 дан ортиқ учрашувлар ўтказилиб, 4000 га яқин фуқаролар қабул қилинган. Долзарб масалалар бўйича турли ташкилотларга 200 дан ортиқ депутат сўрови юборилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва депутатлар фаолияти билан шаҳар аҳолисини таништириб бориш мақсадида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» шаҳар ижтимоий-сиёсий кундалик газеталари саҳифаларида «Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси», «Қонун ва ижро», «Доимий комиссиялар фаолиятидан», «Депутат: бурч ва масъулият», «Депутатлар ташаббуси» сингари 10 дан зиёд доимий рукн ва саҳифаларда депутатларнинг 100 дан ортиқ мақолалари рус ва ўзбек тилларида чоп этилган.

2010 йилдан буён Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 1862 та қарор ва 519 та фармойиш, шунингдек Тошкент шаҳридаги 11 та туман ҳокимлари томонидан 14745 та қарор ва 5731 та фармойиш қабул қилинган. Ушбу йиллар мобайнида жами 24 та, шу жумладан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 20 та ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 4 та норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар қабул қилинган.

Эътиборли жиҳати шундаки, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 10 июндаги «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан навбатдаги сессия кун тартиби тасдиқланиб, масалаларни ўрганиш ва сессия муҳокамасига тайёрлаш бўйича шаҳар Кенгаши доимий комиссияси аъзолари ва мутасадди бошқарма вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳларини тузиш амалиёти ва ушбу ишчи гуруҳлари тайёрлаган маълумотнома ва қарор лойиҳаларининг сессия олдидан доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиниши йўлга қўйилган.

Бюджет, маҳаллий солиқлар, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид масалаларни доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиш ва қарор лойиҳасини сессия кун тартибига тавсия этиш амалиёти жорий этилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир депутат учун электрон почта манзили яратилиб, маълумотларни электрон тарзда юбориш ва қабул қилиб олиш йўлга қўйилган.

Ўрганиш жараёнида Тошкент шаҳрида Қонун ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Қонуннинг 4-моддаси орқали туман ҳокимликлари зиммасига юклатилган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга кўмаклашиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 476 та фуқаролар йиғинидан 129 таси, яъни 27 фоизининг бинолари фуқаролар йиғини балансида эмас. Бу кўрсаткич Олмазор туманида 29 фоизни, Ҳамза туманида 45 фоизни, Сергели туманида 48 фоизни, Миробод туманида 85 фоизни, Бектемир туманида эса 100 фоизни ташкил этади.

Тошкент шаҳридаги Сергели, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Яккасарой туманларидаги жами 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз хизмат биносига эга эмас.

Тошкент шаҳрида жами 80 та, шу жумладан Чилонзор туманида бешта, Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларида еттитадан, Олмазор туманида 10 та, Ҳамза туманида 39 та, қолган туманларда жами 12 та фуқаролар йиғинларининг бинолари капитал таъмирлашга муҳтож.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида йилнинг ҳар чорагида туман ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисоботларини эшитиш назарда тутилган. Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг мазкур ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари Тошкент шаҳар ҳокимлигига юборилиши, улар томонидан бу баённомаларнинг ҳисоби юритилиши белгиланган. Бироқ, баённомаларнинг ҳисоби юритилмаган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2010 йилда қабул қилинган қарор ва фармойишларнинг баъзилари Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низом талаблари асосида юридик хизмат ходими (юрист) томонидан қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширилмаган ва визалар қўйилмасдан ижрога қаратилган.

Туман ҳокимликлари томонидан қарор ва фармойишлар қабул қилишда Қонуннинг 25-моддасида белгилаб берилган ваколатлардан четга чиқиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Буни ижро ҳокимияти тизимига кирмайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига нисбатан интизомий чоралар қўллашда кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддасида интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган органлар томонидан қўлланилиши белгиланган бўлса-да, Бектемир ва Юнусобод тумани ҳокимларининг фармойишларига кўра ушбу туманлардаги 17 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва ходимлари интизомий жавобгарликка тортилган.

Прокуратура органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонунларга риоя этилиши устидан 2010-2011 йиллар мобайнида олиб борилган прокурор назорати давомида шаҳар ва туман ҳокимларининг ноқонуний қарор ва фармойишларига нисбатан протест келтирилган, уларнинг натижаларига кўра Тошкент шаҳар ҳокимининг 28 та, туманлар ҳокимларининг 63 та ноқонуний қарори Қонуннинг 29-моддасига асосан тегишли ҳокимларнинг ўзлари томонидан бекор қилинган.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 ва 26-моддаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шартлиги, ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун ҳужжатлари асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари тўлиқ кўрсатилиши лозимлиги, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга кириши белгиланган бўлса-да, расмий нашрларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий тусдаги 24 та қарор ҳақида фақат қисқача маълумот сессия тўғрисидаги ахборотларда эълон қилинган, шунингдек, аксариятининг шарҳи чоп этилган холос. Қабул қилинган ушбу қарорларнинг биронтасида ҳам матбуотда эълон қилинсин деб кўрсатилмаган.

Қонуннинг 17-моддасига асосан Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилиниши белгиланган бўлса-да, сессия чақириш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори аксарият ҳолларда (17 та ҳолатдан 10 тасида) сессия ўтказиладиган кундан 1-5 кун олдин қабул қилинган.

Халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш, йўлланган депутатлик сўровларига тегишли тузилмалар раҳбарларининг ахборотларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

2010-2011 йиллар давомида ўтказилган сессиялар баённомаларининг таҳлили халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни билдириш борасида янада фаол бўлиш лозимлигини кўрсатди.

Депутатлар фаолиятига оид тегишли ахборотларнинг ўз вақтида олиниб, таҳлил қилиб борилмаганлиги оқибатида ҳар бир депутатнинг фаолиятига алоҳида баҳо бериш, шу асосда депутатлик назорати билан боғлиқ фаолиятни холис баҳолаш имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан оммавий ахборот воситаларида жами 1660 марта, яъни ҳар бир депутат ўртача 28 марта чиқишлар қилган ҳолатда, бу кўрсаткич 14 нафар (23 фоиз) депутатда 0-5 тани, 8 нафар (13 фоиз) депутатда 6-15 тани, 12 нафар (20 фоиз) депутатда 16-25 тани ташкил этган холос.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 10 сентябрда 1856-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби тўғрисида»-ги Низомга асосан норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига уларни қабул қилган органлар томонидан қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида қоғоз ва электрон шаклларда юборилиши ва Адлия бошқармасига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби реестрларига киритилиши белгиланган бўлса-да, ушбу талаблар тўла бажарилмаган.

Ишчи гуруҳи аъзолари ўрганиш натижасида аниқланган хато ва камчиликларни таҳлил қилиб ҳамда жойларда ўтказилган мулоқотларда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, Қонун ижроси самарадорлигини таъминлаш мақсадида бир нечта йўналишлар бўйича амалга оширилиши керак бўлган долзарб ишларни тавсия этди.

Шунингдек, қўшма мажлисда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш юзасидан қилинган ишлар ҳақида сенатор, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияга ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раиси Ф.Абдураҳимованинг маърузаси тингланди.

Унда «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, унинг доимий комиссиялари ва депутатларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилиб, амалга жорий қилингани қайд этиб ўтилди.

Чора-тадбирларда амалдаги қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, давлат ва ҳудудий дастурларнинг жойлардаги ижросини назорат ва таҳлил қилиб бориш бўйича маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янада яхшилаш, шаҳар Кенгаши ва доимий комиссиялар қарорлари ижросини назорат қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, шаҳар Кенгаши сессияларида, доимий комиссиялар йиғилишларида шаҳар Кенгаши қарорларининг ижро этилишига оид масалаларни муҳокама этиб бориш лозимлиги қайд этилган. Бунда депутатлик назорати институтини, жумладан депутатлик сўровидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётганлиги эътироф этилди.

Кун тартибидаги кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисида» қўшма қарори қабул қилинди.

* * *

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Артикова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари М.Хужамбердиев, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Р.Усмоновлар сўзга чиқиб, депутат зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юкланганлиги, у ҳудуддаги ижтимоий муҳитга фаол таъсир кўрсатмоғи, ҳудуд раҳбарларининг фаолиятини назорат қилиши, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўйи-рост гапириши, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалаларида намуна бўлмоғи, сайловчиларнинг ишончини оқлаши, яъни халқ дарди билан яшаши лозимлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қароридан

*Қонуннинг Тошкент шаҳридаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарор қилди.*

***Қарорга мувофиқ:***

*Тошкент шаҳридаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур Қонун ижросини тўла-тўкис таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари зиммасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ишларини кучайтириш бўйича аниқ чоралар кўриш белгиланди.*

*Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари фаолиятига доир ҳисоботларни эшитишни йўлга қўйиш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, унинг доимий комиссияларидаги мавжуд ҳужжатларни тизимли равишда жамлаб бориш мақсадида номенклатураларни тасдиқлаш, долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш мақсадида депутатларнинг сўровларини сессияларда кўриб чиқиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш лозимлиги қайд этиб ўтилди.*

*Сиёсий партиялар гуруҳлари фаоллигини ошириш ва масъулиятини кучайтириш мақсадида сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда депутатлик гуруҳлари вакилларига кафолатланган сўз бериш амалиётини йўлга қўйиш, сиёсий партиялар гуруҳлари, доимий комиссиялар, депутатлар томонидан ҳудуд учун долзарб ва муҳим масалаларнинг сессиялар муҳокамасига киритилишига, шунингдек, депутатларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш, шаҳар ҳокимлиги томонидан ер муносабатларига оид қабул қилинаётган барча қарорларнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тасдиғига киритилиши таъминланиши белгиланди.*

*Шу билан бир қаторда, унда сессияни чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинишини ва кун тартибидаги масалаларга оид ҳужжатлар билан танишишини таъминлаш кўрсатиб ўтилди.*

*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштириш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлиги белгиланди.*

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссияларининг фаолиятидан жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш, норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларни расмий нашрларда эълон қилиш, бу борада интернет имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, депутатларнинг маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишларини фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.*

*Қўшма қарорда Тошкент шаҳри ва пойтахт туманлари ҳокимлари зиммасига ишчи гуруҳи томонидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб амалга ошириш, ижро интизомини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинларида йилнинг ҳар чорагида туман ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилишини ва норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларнинг расмий нашрларда эълон қилинишини таъминлаш вазифалари юкланди.*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига ҳокимлар қарорлари ва фармойишларини юридик хизмати ходими томонидан қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш ва визалар қўйилмасдан ижрога қаратиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш, ҳокимликлар юридик хизмати ходимларининг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда аттестациядан ўтказилишини ташкил этиш белгилаб қўйилди.*

Қонунларимизни ўрганамиз

# КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

***Мамлакатимизнинг кўп укладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.***

Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, аввалambор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда оилавий тадбиркорликни тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини унутмаслигимиз даркор.

Маълумки, инсоният ҳаётида оила жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. Оила ҳар бир инсоннинг шахс сифатида шаклланишида асосли ўрин эгаллайдиган жамиятнинг ажралмас қисми бўлиши билан бирга инсониятнинг шаклланиши, юксалиши ва тараққиётининг пойдеворидир. Жамиятнинг бу муқаддас даргоҳида инсон нафақат дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топиб шаклланади.

Оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эга эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 боб 63- моддасида ифодалаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан йиллар анъанасини давом эттирган ҳолда 1998 йил - «Оила йили», 1999 йил — «Аёллар йили», 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», шунингдек 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинишининг ўзи бунинг исботидир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ва оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан бири бўлиб белгилангани катта аҳамиятга эга. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўров давомида бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланаётгани аниқланди, яъни ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида меҳнат қилмоқда, ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётир. Сўров маълумотларига кўра, оилаларнинг 6,5 фоизи транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида меҳнат қилмоқда, оилавий бизнес тиббиёт, ҳуқуқий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ривожланмоқда.

Қонунда оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхона тушунчалари ажратилган бўлиб, унга асосан оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти эканлиги, оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши ҳамда оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона бўлиб, оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари, хусусан болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари оила корхонасининг иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас, шунингдек давлат органларининг мансабдор шахслари ҳамда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўла олмайди.

Қонунга асосан оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкинлиги, оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмаслиги, шу билан бирга оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Демак, оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнатини амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланиши ҳамда оилавий корхонада оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шаклларини, тизимини ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгиланиши мумкин.

Қонуннинг 12-моддасида оилавий корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, унга асосан оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаши, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш, шу жумладан дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш, лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш, товарларни харид қилиш ва реализация қилиш учун шартномалар тузиш, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиши, ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳамда товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига) эга бўлиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Шу билан бирга оилавий корхона тузилган шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши, реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларига эга бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхонанинг акциз солиғи тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олишни, шунингдек, юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчидир, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Қонунда оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, хусусан электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

Давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши доирасида фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уларда товарлар ишлаб чиқаришни, ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини, ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини, оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини, оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

**Феруза ИБРАТОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти «Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди**



# ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛАБ ОЛИНДИ

***Шаҳримиздаги «Саёҳат сари» меҳмонхонасида Республика Ёш тадбиркорлар мактаби машғулотлари бўлиб ўтди. Мазкур мактаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ЁТМ томонидан «Микрокредитбанк» ОАТБ ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этиди.***

Лойиҳага кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан иштирок этган 50 нафарга яқин ёшларнинг бир ҳафта давомида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг турли йўналишларида кўникма ҳосил қилишлари учун фаол ва қизиқарли тренинглар ташкил этилди. Тренингларнинг янгиликларга бойлиги, мавзуларнинг хилма-хиллиги ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ёш тадбиркорлар мактаби уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда бизнес тренерлар сўровнома йўли билан танлаб олинган ёшларга бир кунлик тренинг ўтишди. Навбатдаги босқичда тажрибали тренерлар томонидан биринчи босқич ғолиблари учун икки кунлик тренинг ўтказилди. Учинчи босқич – Республика Ёш тадбиркорлар мактаби бўлиб, бунда бизнес хусусида чуқурлаштирилган ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қўшимча амалий кўрсатмалар берилди.

Малакали мутахассислар иштирок этган семинар-тренинглар ноанъанавий, интерфаол шаклдаги ўқитиш тизимини ўз ичига олувчи махсус дастурга эга. Ҳар бир иштирокчи кичик бизнес, бухгалтерия асослари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бизнеснинг юридик ва ҳуқуқий шакли, кичик бизнес психологияси бўйича керакли маълумотларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлишди. Ўқув жараёнининг асосий устунлик жиҳати – бизнес назарияси, амалиёти ва психологиясига йўналтирилганлигидадир.

Тренингларнинг назарий қисмидан сўнг иштирокчилар ўз бизнес-режалари устида ишлашди. Бизнес-лойиҳалари тақдим этилиб, энг яхши ғоялар танлаб олинди. Республика ёш тадбиркорлар мактаби ғолиблари имтиёзли, фоизи катта бўлмаган кредитларни олишга тавсия этилди.

2012 йилдан бошлаб лойиҳада 200 дан зиёд ёшлар иштирок этиб, ўз билимларини ошириш имконига эга бўлдилар. Бу кунга қадар 3200 дан ортиқ йигит-қизлар ушбу мактабнинг битирувчиларидир. Улардан 34 фоизи ўз лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга муваффақ бўлишди. 30 нафар битирувчилар «Энг яхши бизнес лойиҳа муаллифлари»га айланиб, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг махсус грантлари билан тақдирланди. Лойиҳанинг асосий мақсади – ёшларни кичик бизнесга жалб этишдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёш тадбиркорлар мактаби 2008 йилдан буён эндигина ўз бизнесини бошлаган йигит-қизларга методик билимлар бериб, уларни кичик ва хусусий бизнесга жалб этиш мақсадида ўтказиб келинади. «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳа бир йилда икки марта ташкил этилади.

**Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА**

Биз ва жаҳон

# ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Яқинда АҚШнинг Атланта шаҳрида Атланта халқаро арбитраж жамияти (ATLAS) томонидан халқаро арбитраж масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Европа ва Африка давлатлари, Канада, Мексика, Жанубий Кореядан вакиллар иштирок этди.***

Ушбу Халқаро конференцияга таклиф қилинган Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси (ЎзҲСА) вакиллари ЎзҲСА раиси Илҳомжон Долимов, раис ўринбосарлари Собир Фаязов, Икрамбек Сержанов, Қайтмас Тошматов, ЎзСХА Самарқанд вилояти судьяси Луқмон Азимовлардан иборат делегация аъзолари АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Атланта, Лос-Анжелес, Санта-Моника шаҳарларида ҳам бўлишди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги Бош консуллик идорасида Америка арбитраж ассоциацияси (ААА) вакиллари билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам, арбитраж амалиётида тажриба алмашиш, халқаро арбитрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ҳамкорликнинг бошқа масалалари бўйича фикр алмашдилар. Суҳбат якунида Америка арбитраж ассоциацияси вице-президенти Ричард Неймарк ва Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси И. Долимов томонидан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Илҳом Неъматов делегациямиз аъзоларини илиқ кутиб олди ва бу ерда давра суҳбати ташкиллаштирилди. Суҳбат давомида ЎзҲСАнинг халқаро арбитраж соҳасидаги фаолияти ва унинг ривожланиш стратегияси, босқичлари, истиқболдаги режалари ҳақида ўзаро фикр алмашилди ҳамда ҳамкорлик масалалари ҳал қилинди. Делегациямиз аъзолари шунингдек, Атлантада уюштирилган конференцияда ҳам иштирок этиб, Халқаро арбитражнинг XXI асрда янги босқичга ўтгани ва унинг АҚШдаги амалиётининг ўзига хослиги масалалари ўрганиб чиқилди. Конференция давомида мавзуга оид кўплаб давра суҳбатлари ташкил қилинди. Унда делегациямиз аъзолари Америка арбитраж ассоциацияси президенти Вилльям Слейт, Атланта халқаро арбитраж жамияти бош котиби Глен Хендрикс, Халқаро тижорат арбитраж маркази директор ўринбосари Сузанна Носбаум хоним, Вейн Давлат университети профессори Чарлс Бровер, Арбитрлар қироллик институти президенти Жефри Элкинсон, ҳамкорларимиз — Хитой Халқаро иқтисодий ва тижорат арбитраж комиссияси бош котиби ўринбосари Ли Ху ҳамда Вена Халқаро арбитраж маркази вице-президенти Николос Питковицлар билан мулоқот қилиб, ўзаро ҳамкорликнинг келажакдаги истиқболлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

**Муртазо СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси ўринбосари**

# ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Аслида, бундай ускуналар илк бор ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлса-да, уларнинг муқобили чет элларда мавжуд. Бироқ, бизнинг яратганларимиз кўчирма эмас, балки янги дизайндаги янада такомиллаштирилган ва ихчамлаштирилган туридир. Мисол учун, 15 дақиқада 200 килограмм гўштни қиймалаб, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги, замонавий аппарат ихтиро қилинди. Маҳаллий хомашё асосида тайёрланган мазкур ускуна бошқарилишининг соддалиги, тежамкорлиги ва арзонлиги билан хорижникидан афзалдир.

2008 йилда корхона муҳандислари томонидан сиғими 500 литрдан 2000 литргача бўлган сут совутгич, сиғими 60 литрдан 200 литргача бўлган пишлоқ пиширувчи миксерли қозон, сутни қайнатиб, шу вақтнинг ўзида совутиб ҳам берадиган пастеризатор яратилди. Хорижий ускуналарда соатига бир тонна сут қайнатиб совутилса, «Оққуш» технологлари яратган замонавий ускунада бу кўрсаткич 4,5 тоннани ташкил этади.

«Оққуш» корхонасининг ускуналари – арзон, қулай, тежамкор, ишлатилиши жуда содда, унумдорлиги юқорилиги билан эътиборни тортади. Хусусан, жорий йилда корхонада яна бир ускуна — янги турдаги пастеризаторлар яратилди. Мазкур ускунанинг аналогларининг хорижий вариантлари 33-35 минг еврога баҳоланади. Корхонада яратилган пастеризатор уч хил ўлчамда бўлиб, қайта ишлаш ҳажмига қараб 11 миллиондан 28 миллионгача баҳоланмоқда. Арзонлигидан ташқари ускунанинг ютуқли жиҳатларидан яна бири кичик хўжаликларга ҳам қўл келишидадир. У 50-60 литр сутни ҳам қайта ишлайди. Ваҳоланки, бундай ҳажмдагиси бошқа давлатларда учрамайди.

Хорижда ишлаб чиқарилган ускуналар билан бемалол рақобатлаша оладиган бундай минитехнологиялар давлат техника ва технология тажриба-синов марказида синовдан ўтказилиб, кенг миқёсда ишлаб чиқарилмоқда. Айни вақтда корхонада тайёрланаётган ускуналардан кўплаб фермер ва тадбиркорлар ўз фаолиятида унумли фойдаланмоқда.

«Оққуш» машинасозлик хусусий корхонасида тадбиркорлар учун яқин кўмакдош сифатида ишлаб чиқарилаётган замонавий кўринишдаги, юқори қувватли ускуналар истеъмолчилар талабини қондириш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштириш орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Зиёда ВОҲИДОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

# НУРОНИЙЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

***Кейинги пайтларда «Нуроний» жамғармаси томонидан фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммоларини ечишга кўмаклашиш, айниқса, Хотира ва қадрлаш куни, бошқа турли байрамларимизда табаррук нуронийларимиз кўнгилларини хушнуд этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.***

Бундан ташқари, «Нуроний» жамғармаси ходимлари келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшлар тарбиясига ҳам жиддий эътибор қаратишади. Уларнинг ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда миллий анъаналаримиз, маънавий қадриятларимиз ҳақида ёшларга бераётган сабоқлари ҳам бебаҳодир.

Яқинда шаҳар «Нуроний» жамғармаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Қутлуғ ёшдаги отахон ва онахонлар кенг жамоатчилик, жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ота-оналар ва корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларига мурожаат қабул қилишди. Унда бу йил Тошкент шаҳридаги 311 та умумтаълим мактабларида 9-синфни ва 81 та касб-ҳунар коллежларини жами 77 мингдан ортиқ ёшлар битирганини инобатга олиб, фарзандларимиз келажагини пухта ўйлаган ҳолда барчамиз уларни ўқиш ва иш ўринлари билан тўла қамраб олиш чораларини кўришимиз лозимлиги, баъзан 9-синфни битираётган ва коллежда ўқиётган ёш қизларни турмушга бериб юбориш натижасида уларнинг илмдан бебаҳра бўлиб қолиш ҳолатлари учраётганлиги боис, бундай ҳолларга чек қўйиш, имом-хатибларнинг бу борада ўз вазифаларига чуқур масъулият билан ёндошишлари кераклиги алоҳида таъкидланган.

Ўйлаймизки, барчамиз ушбу мурожаатдан тегишли хулоса чиқариб, фарзандларимиз келажаги йўлида янада масъулиятли бўламиз.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг қутқарувчи-ғаввоси

**Ботиржон УСМОНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.





Шаҳримизнинг сўлим кўчалари

Санъат

## НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

***Барчамизга маълумки, халқимизнинг маънавий бойлиги ҳисобланмиш, юксак бадиий ва эстетик имкониятларни ўзида мужассам этган мақомлар бир неча асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб бизгача етиб келган. Бугунги кунга келиб ана шу дурдона намуналар ўтмиш ижод санъаткорлар анъанасини муносиб давом эттираётган Республикамизнинг кўплаб истеъдодли ва иқтидорли ёшлари томонидан янгича талқинда ижро этилмоқда.***

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Алишер Мадраҳимов режиссёрлиги ҳамда профессор Рифатилла Қосимов раҳбарлиги остида Саккокий, Лутфий, Атоий ғазаллари асосида ижро этиладиган қўшиқларни ўз ичига олган «Назм ва наво» кечаси фикримизнинг далилидир. Унда консерваториянинг «Анъанавий хонанда ҳамда созанда» йўналишлари бўйича таълим олаётган талаба-ёшлар ўзларининг ажойиб чиқишлари билан ташриф буюрганларни хушнуд этдилар.

«Назм ва наво» концерт дастури халқимизнинг буюк мумтоз шоирлари ғазаллари асосида тузилиб, унда Шашмақом, Фарғона-Тошкент, Хоразм мақомлари, мумтоз бастакорлар ижодларига ва воҳаларга мансуб бўлган ижро йўллари ҳамда хозирги замонда янги яратилган асарлар талқин этилди. Ушбу хақиқий санъат байрамига айланган кеча тўрт қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисм Саккокий, иккинчи қисм Лутфий, учинчи қисмда эса Атоий ғазаллари билан айтиладиган ашулалар ижро этилди.

Кечада мақомлар асосида туркумлаштирилган асар тақдимоти бўлиб ўтди. Яъни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Рўзиматов томонидан яратилган «Сегоҳ» туркуми илк бор тингловчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Концертда консерваториянинг иқтидорли талабаларидан ҳамнафаслар Орифжон Эргашев ва Миржалол Ўринбоев, Далер Саидов ва Илҳом Исмоилов, Рўзихон Нурматова ва Ситора Ҳамидова, яккахонлар Рухшона Ғиёсова, Дилфуза Нурматова, Беҳзод Эшонов, Баҳодир Саидов, Шаҳло Салаева, Сабоҳат Полвонова, Гулруҳ Саидова, Малика Эгамбердиевалар иштирок этишди.

Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли созандалари ҳамда консерваториянинг талаба хонандалари томонидан ижро этилган Атоий сўзи ва Абдуҳошим Исмоилов мусиқаси билан «Эй дўст» ашуласи барчага жуда манзур бўлди.

**Зебо НАБИЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси**

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида Япония ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилишининг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон ва Япония: маданиятлар диалоги» мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.***

## ДЎСТЛИК БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Анжуманни Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Д. Муродова ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Курода Ёсихиса кириш сўзи билан очиб бердилар. Унда санъатшунос ва тарихшунос олимлар: тарих фанлари доктори, академик Эдвард Ртвеладзе, санъатшунослик фанлари доктори Наталья Янов-Яновская, Новосибирск давлат мусиқа академияси профессори Марина Дубровская, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Фируза Абдураҳимова ва бошқаларнинг Ўзбекистон ва Япония мамлакатлари ўртасидаги илм, таълим, маданият, санъат соҳасидаги алоқалар, ҳамкорликдаги изланишлар ҳақидаги маърузалари тингланди. Маърузалардан сўнг, япон мавзуларига бағишланган мусиқий асарлардан таркиб топган концерт дастури тақдим этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Адиба Шарипова, Одилжон Назаров, Халқаро танловлар лауреатлари — Қосимжон Назаров, Раҳим Мирзакаримов ҳамда «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ўзбек композиторлари Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев ва япон композиторлари Мацибучи, Кацутоси Нагасава, Юки Курамото, Юка Кавамура мусиқий асарларини моҳирона тарзда ижро этишди.

**Феруза МУҲАМЕДОВА**

Спорт

## УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР

***Футбол бўйича Ўзбекистон Кубогининг 1/8 финали доирасида уюштирилган учрашувлар мутахассислару мухлисларнинг эътиборидан четда қолмади.***

Кутилмаганда ушбу учрашувларда Самарқанднинг «Динамо» жамоаси ўз майдонида «Бухоро»га, «Навбаҳор»нинг «Пахтакор»га имкониятни бой бериб қўйганлиги майдон эгаларини оғир аҳволга солиб қўйди.

Энди эътиборингизга учрашувлар натижаларини эълон қиламиз. «Насаф» — «Гулистон» — 6:1 (3:0), «Андижон» — «Олмалиқ» — 3:1 (0:0), «Динамо» — «Бухоро» — 1:2 (1:1), «Машъал» — Қизилқум» — 2:1 (0:1), «Навбаҳор» — «Пахтакор» — 1:2 (0:2)

Шунингдек, Ўзбекистон Кубоги 1/8 финалининг «Локомотив» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтказилиши режалаштирилган учрашув 5 июлда бўлиб ўтади. Жавоб баҳслари 9 июлда ўтказилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Ўзбекистон Миллий университетида биология фанига оид бир нечта кафедра, лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Табиий бирикмалар кимёси кафедрасида эса устувор илмий йўналишлар бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.***

Таълим

## УСТУВОР ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг биоорганик кимё институтининг илмий йўналишлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва бу соҳада малакали ёш мутахассислар тайёрлаш мақсадида университетда «Биоорганик кимё» илмий-ўқув маркази ташкил қилинди. Кафедрада «Табиий бирикмалар кимёси» ва «Биоорганик кимё» бўйича магистрлар қабул қилиш йўлга қўйилди.

Кафедра олимлари томонидан яратилган дори-дармонлар намуналари оммалаштирилиб, амалиётга татбиқ қилинди. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган гербицидлар ва фунгицидлар ҳам ўзига кенг йўл топди.

Эндиликда «Лагоден», «Анабазин-гидрохлорид», «Эдил» ва бошқа дори-дармонлар ҳам тайёрланмоқда. Фундаментал, инновацион, илмий-амалий тадқиқотлар ҳам яхши натижалар берди.

Инновацион грантлар дастури бўйича қон тўхтатувчи ва аллергияга қарши «Инебрин» препаратининг субстанцияси ва дори шакли ишлаб чиқарилди.

Биотехнология услуби асосида супер элита картошка уруғи ҳам юзага келди.

Истиқболли режа бўйича эса яна ўнга яқин илмий иш устида самарали изланишларга қўл урилди.

## РАНГ-БАРАНГ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

***Почта маркалари мустақил давлатнинг ўзига хос белгиларидан бири, унинг ташриф қоғози дея эътироф қилинади. Ўзбекистоннинг почта маркаларига кўз югуртирганингизда эса ўзбек халқининг кўп асрлик маданияти ва анъаналари, давлатчилик тарихи, унинг бугунги ва эртанги куни тасвирларига гувоҳ бўласиз.***

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ташкил топиши нур устига нур бўлди. Ушбу нашриётда чоп этилган дастлабки почта маркаси 1992 йилда ўзбек мумтоз адабиёти намояндаси Нодира таваллудининг 200 йиллигига бағишланди. Ўтган шу 20 йил мобайнида «Ўзбекистон почтаси» бирин-кетин кўплаб ўз маҳсулотларини муомалага чиқарди. Диёримизнинг бугунги ҳаёти, табиати, атоқли намояндалари ҳақида ҳикоя қилувчи маркалар халқаро доирада кенг оммалашмоқда. Болалар учун тайёрланган «Қушлар — бизнинг дўстларимиз» мавзусидаги махсус почта маркалари ҳам тезда оммалашди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига аталган почта маркалари тақдимоти Тошкент почтамтида бўлиб ўтди. Кичик варақнинг ҳошиясида Буюк Ипак йўли харитаси фрагменти ўз ифодасини топди. Кичик варақнинг тепа қисмидаги миллий нақш фондида эса «Тошкент шаҳрига 2200 йил» деб ёзилган.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан чиқарилган янги почта маркаларини сўндириш маросими «Тошкент почтамти» биносида ўтказилди.

«Ўзбекистоннинг почта маркалари» каталогидан эса 180 дан ортиқ фоторепродукциялар жой олди. Ушбу мажмуада «Буюк Ипак йўли тарихий ёдгорликлари», «Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати» каби номларда чиқарилган нашриёт маҳсулотлари тасвирлари ранг-баранг ишланганлиги билан ажралиб туради.

**Акбар АЛИЕВ**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Кўп гапириш ақлдан эмас.**

* * *

**Рашк – қўрқув ва ишончсизлик меваси.**

* * *

**Ҳамма ўз ишини билиб қилса, назоратга ҳожат йўқ.**

* * *

**Ишни қойил қилиб қўй-да, кейин керил.**

* * *

**Чеккада юрганнинг оти чиқмай кетади.**

* * *

**Жангу жанжал – муҳаббат кушандаси.**

* * *

**Болаларнинг ота-оналарини муҳокама қилишга маънавий ҳақлари йўқ.**

* * *

**Бир ножўя қадам бир умрлик доғ бўлиб тушиши мумкин.**

* * *

**Ҳашаротларки яшаш учун курашганда инсоннинг ўзини ташлаб қўйиши, умидсизликка берилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.**

* * *

**Инсон онгли мавжудот деймизу, лекин баъзиларнинг ақли ҳайвонларнинг сезгиси даражасида ҳам эмас-да.**

* * *

**Кимнинг қўли югурик, кимнинг тили.**

* * *

**Кўнгил – олов, ақл – сув.**

* * *

**Тушингизга фақат ўйлаб юрган нарсаларингиз эмас, балки мутлақо хаёлингизга келмаган нарсалар ҳам киради.**

* * *

**Имконият борида иш қилиб қолиш керак.**

* * *

**Гап-сўз кўпайган жойдан қочиб қутулган яхши.**

* * *

**Одатда, ўзи тайинли иш қилмайдиганлар тинимсиз бошқаларни муҳокама қилишади.**

* * *

**Меъёридан ўтса, ҳатто яхшилик ҳам ёмонликка хизмат қилади.**

* * *

**Ночорликдан ўтар ёв йўқ.**

* * *

**Натижасиз устунликнинг кимга кераги бор?**

* * *

**Сен ҳақингда ишинг гапирсин.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*
*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*
*Унда шошилиб таваккал қилманг.*
*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

*Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Лицензия: RR-0001.

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 206-умумтаълим мактаби томонидан 2007 йилда Расулов Нодир Шокиржон ўғлига 9-синфни битирганлиги тўғрисида берилган U N 289009 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицей томонидан 2011 йил Кутбиддинов Саййид Комрон Абдували ўғли номига берилган L 123530 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 **июнда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида 7 **июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9477 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5